
ТУРКИЯНИНГ ВТС ҲАРИ А.С КОМПАНИЯСИ ҚУРИЛИШ ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ЙЎНАЛИШИДА ФАРҶОНАДА ИШ БОШЛАШГА ТАЙЁР

Бугун вилоят ҳокимлиги қабуллар уйида вилоят ҳокимининг ўринбосари – вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев Туркиянинг ВТС Ҳари А.С компанияси таъсисчиси ва бош директори Жаҳит Ўзтурк билан учрашди.

Дастлаб мулоқотда Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида турли йўналишларда ўзаро алоқалар кун сайин ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва ташаббуси билан ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинганлиги қайд этилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев икки давлат муносабатларини янада жонланишида Фарғона вилоятининг ўзига хос ўрни, Фарғонадан Туркияга тўғридан тўғри авиапарвозларнинг йўлга қўйилганлиги натижасида туризм, тадбиркорлик ва бошқа йўналишларда алоқалар кенгайиб бораётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, ҳозиргача туркиялик тадбиркорлар иштирокида вилоятда тикув-трикотаж маҳсулотлари ва мева-сабзавотларни қайта тайёрлаш бўйича лойиҳалар амалга оширилганлиги, қурилиш йўналишида ҳам ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганлигини таъкидлади.

Ўз навбатида меҳмон Жаҳит Ўзтурк ҳам Ўзбекистондаги, жумладан, Фарғонадаги ўзгаришлардан хабардор эканлигини қайд этди. У раҳбарлик қилаётган 1996 йилда ташкил топган ВТС Ҳари А.С компанияси турли давлатларда касалхоналар, меҳмонхоналар, савдо марказлари, турар-жой бинолари, аэропортлар қуриш каби лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келаётганлигига эътибор қаратди. Кўп йиллик фаолияти давомида орттирган тажрибалари асосида Фарғонада ҳам ҳудуд имкониятларини ўрганиб хорижий стандартлар ва янги замонавий технологиялар билан иш бошлаш ва объектларни лойиҳалашга, инвестиция киритишга тайёр эканликларини маълум қилди.

Яқунда вилоят ҳокимлиги делегациясининг 2022 йил январь ойида Туркияга ташрифи доирасида Анқарада ВТС Ҳари А.С компанияси вакиллари билан учрашув ташкил этилиб, янги лойиҳаларни бошлаш учун ҳамкорлик меморандуми имзоланишига келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-17 21:42:57